



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАЪВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ФАКУЛТЕТЪ

ИЖТИМОЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ НОМЗОДИ, ДОЦЕНТИ

ИСАҚОВА ЗАМИРАХОН РУҲИТДИНОВНА

рангларнинг фалсафий-ирфоний талқини

ёхуд ранглар фалсафаси

Мақоласи

Ранглар гўзаллиги ва мафтункорлиги билан асрлар оша инсонда ўзгача кизиқиш уйғотиб келган. Қадимдан мулоқот жараёнида “ранглар тили”дан фойдаланилган. Ҳар бир ранг маълум нарса, ҳолат ёки ҳодисани ифодалаган. Қуёш нурининг камалак рангда жилоланиши Миррих (Марс – З.И.) сайёрасининг қизил, Зухра (Венера – З.И.)нинг кўк, Уторуд (Меркурий – З.И.)нинг сариқ, Кайвон (Сатурн – З.И.) нинг яшил, Муштарий (Юпитер – З.И.)нинг қирмизи, Қуёшнинг қовоқ ранги, Ойнинг бинафша ранги бирлашиб, камалак ранг ҳосил қилган: “Еттинчи қат кўк Зухалнинг самосидир. Унинг жавҳари шаффоф бўлса-да, лайли музлим (симсиёҳ тун) каби қорадир. Жаноби Ҳақ Зухални ақли аввалнинг нуридан яратган. Ва унинг манзилини манзили афдол этган. Сиёҳликда ранг пайдо этмиш, сиёдат (улуғлик) ва юксаклигига ишорат эрур. Шунинг учун ақли аввални олими акмалдан бошқаси билмайди. Зухал самовотнинг хосиятлиси ва маконларнинг аълосидир”¹.

Тарихда турли феъл-атвор, фасл ва маросимларни тасвирлаш учун ранглардан усталик билан фойдаланилган. Уруш ва ўлим, тўй ва хурсандчилик, тантана ва байрамлар махсус ранглар – қайғу ва тушкунлик (кулранг, бинафша ранг), шодлик, хушчакчаклик, илиқлик (сарик, тўк сарик, қизил ранг), осойишталик (яшил ранг), совуқлик (кўк, оқ ранг) орқали ифодаланган.

Инсон атрофидаги маълумотларни кўзи орқали қабул қилади. Кўз катакчалари қатлами ўта сезгир бўлиб, марказий асаб тизими билан боғланган. Қоронғуликда кўз атроф-муҳитни оқ-қора ранг-тусларида қабул қилса, кундузи кўп рангли тусдаги тасвирни кўради. Кўзнинг спектр сезиши. Одам кўзи ахроматик ва хроматик рангларнинг 10000 хил ранг-тусини фарқлайди. Кўз ўртача ёрқинлик даражасидаги спектрнинг (бинафша, зангори, мовий, яшил, сарик, зарғалдоқ, қизил) 180 хил рангни танийди.

Инсон ранглар уйғунлигида яшайди. Гўзаллик ва нафосат рангларда жилваланади. Инсоннинг рангин ҳаётдан узилиши, табиат гўзаллигидан бебаҳра қолиши, руҳий мувозанатининг издан чиқиши, эстетик қадриятларнинг аҳамиятсизлиги унинг тафаккур оламига таъсир кўрсатади, яъни инсон руҳиятидаги “совуқлик” унинг тафаккурида яққол намоён бўлади. Умрнинг маъноси, тириклик неъматини, бурч, масъулият ҳисси, инсоннинг бугуни, эртаси ва келажаги ҳақидаги мушоҳадалари, ҳаттоки фикрсизлик ва бепарволик каби ҳолатлар замирида кўнгилдаги туйғулар камалагининг идрок этилмагани, ақлни жунбушга сола олмагани, қалбда ҳаётга муҳаббат тўлқинини қўзғата олмагани оқибатидир. Инсон фикрга, айниқса, уни уйғотувчи фикрга муҳтож. Ҳаётга муҳаббат замирида ҳам уйғотувчи фикрларни жунбушга келтирадиган ранглар жилоси муҳимдир.

Муסיқа тинглаш жараёнида инсон муайян ранглар қуршовида қолади. Инсон руҳиятига ижобий таъсир этадиган муסיқа унинг тасавурида сарик, тўк сарик рангдаги таассурот қолдирса, инсон руҳиятига салбий таъсир

¹ Абулкарим Жилий. Инсони комил. Истанбул, 1998. 391-бет.

кўрсатадиган, ғамгин муסיқалар инсон тасаввурида тим қора ёки тўқ рангда намоён бўлади.

Ранглар инсон ҳаётида муайян мазмунга эгадирки, унинг руҳий олами қайси ранг билан ўзаро мувофиқ келишини инсоннинг ўзи билади. Ҳар бир инсоннинг ёқтирган ранги унинг дунёқараши, талаб-эҳтиёжи, руҳий мувозанатидан келиб чиқади. Ҳаттоки, эркаклар ва аёллар мияси рангларни турлича қабул қилади. Масалан, қизил рангни қабул қилишга X хромосома, яъни унинг таркибидаги ген жавоб беради. Аёллар ДНКси таркибида бу хромосомалар иккита бўлгани учун улар қизил рангни ёрқинроқ ва аниқроқ қабул қилса, эркаклар ДНКси таркибида бу хромосома битта бўлгани учун улар оч қизил, қирмизи ва қизил каби рангларни бир хил тасаввур қилишади.

Рангни ҳис этиш мураккаб жараён бўлиб, нафақат физик, физиологик, балки руҳий-маънавий омилларга ҳам боғлиқдир. Физика ва физиология инсоннинг рангни ҳис этувчи руҳияти учун пойдевор яратади.

Ранг инсон миясига таъсир қилиб, баъзи бир ассоциацияларни уйғотади ёки табиий ҳис-туйғуларни бошдан кечиришга ва лозим бўлган хатти-харакатни қилишга ундайди. Инсонни қуршаб турган нарсалар муайян тавсифга эга бўлиб, ҳис этиш ва алоқа қилишда зарур бўлган ранг улардан биридир. Бундай ҳис этиш субъектив, яъни ҳар бир инсонда бетакрордир, ранглар ҳақидаги ахборот уни қабул қилаётган инсон онгида шаклланади. Борлиқни идрок этишда кўриш, рангларнинг хилма-хил “симфония”си инсонда гўзал туйғу, фараҳбахш ҳислар уйғотади.

Ҳар бир инсоннинг ёқтирган ранги бўлади. Аксарият ҳолатларда инсон ўша рангдаги буюмларга диққатини қаратади, ўша рангдаги кийимларни танлайди, ўша рангдаги буюмларга қизиқади. Инсон кўпроқ қайси рангни танласа, ўша ранг унинг руҳиятини ҳам ифодалайдики, инсон ёқтирган буюмининг рангини ўз ички эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда танлайди. Ҳаттоки рассомларнинг руҳий ҳолати улар чизган расмлардаги энг кўп ишлатилган рангларда акс этади. Инсоннинг қайси рангни ёқтиришига қараб, феъл-атвори, иқтидори ва салоҳияти даражасини аниқласа бўлади.

Ранглар инсонга тортиқ этилган гўзал неъматлардан бири бўлиб, Қуръонда “Аллоҳнинг “ранги-ла” (рангинмиз). Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ранг бергувчи борми? Бизлар Ўзигагина ибодат қилгувчилармиз”² дейилган. Оятдаги Аллоҳнинг “ранги”дан мурод Аллоҳнинг динидир. Худди кийимнинг устида ранги кўрингани каби мўмин-мусулмонларда ҳам дин аломатлари кўриниб туради. Инсон руҳияти ва рангларнинг ўзаро таъсири, келиб чиқиши, инсон ҳаётида у ёки бу вазиятларда, эмоционал ҳолатларда тутган ўрни сўфиёна қарашларда теран ифодаланган. Ранглар сўфийнинг руҳий ҳолатлари, Аллоҳ томон сафаридаги даража босқичларини билдириб, рангдан-рангга кўчиш сўфий маънавий-руҳий тараққиёти даражасини кўрсатган³.

² Қуръони Карим. Бақара сураси, 138-оят.

³ Комилов Н. Нажмиддин Кубро. 22-бет.

Кубравия тариқатининг асосчиси, “замонасидаги авлиё ва муршидларнинг мукаммали, юксак мақомларга, зотий-сифатий тажаллийларга эришган, шунингдек, малакут оламида кўриш, жабарут оламида учуш, лоҳут оламида тавҳид ва ҳақойиқларга эришган, қалб дунёсида ғарқ бўлган эди”⁴ деб улуғланган Шайх Нажмиддин Кубро (ваф. 1221 й.) тасаввуфдаги “суқр”⁵ ва “сахв”⁶ йўналишларини бирлаштириб, тафаккурий билим билан кароматни уйғунлаштирган. Шайх Нажмиддин Кубро “Фавойих ул-жамол ва фавотих ул-жалол”⁷ (Жамол хушбўйликлари ва жалолнинг кашфи) асарида тариқат йўлчиси қалбидаги камолот даражалари ўзгариши, аҳволи ва янгилини раънақлар воситасида тушунтирган.

Шайх Нажмиддин Кубро “офоқ ва анфус” (офоқ – уфқлар, осмон, анфус – руҳлар, жонлар) таълимоти, яъни олами сағир ва олами кабир ўртасидаги муносабатни очиб берган⁸. Унга кўра, инсонни қуршаб олган ташқи дунё – олами кабир, инсоннинг ўзи эса олами сағирдир⁹. Анфусий оламни англамасдан туриб, ҳақиқатга эришиб бўлмайди.

Латоиф – латифлик, кўринмас нозик нуқталар, ғайб оламидан келиб қалбга кирадиган латиф қувватдир. Инсон руҳи кўзга кўринмас, онг ва туйғу, руҳ ва жисм орасидаги латиф марказдан иборат. Инсон уни зикр билан жилолантириб, ўткирлаштириб бориши ва илғаб олиши даркор.

Шайх Нажмиддин Кубро ишлаб чиққан “Латоиф” назариясига кўра, “латоиф” инсонга берилган алоҳида хислатдир. “Латоиф” – “қалб”, “руҳ”, “сирр”, “хафий”, “ахфо” деб аталган. “Латоиф” тўрт унсур – тупроқ, сув, ҳаво, олов ҳамда нафсга нисбат берилиб, нафснинг асли – “қалб”нинг, ҳавонинг асли “руҳ”нинг, сувнинг асли “сирр”нинг, оловнинг асли “хафий”нинг, тупроқнинг асли “ахфо”нинг аслидир.

“Руҳ”нинг ўрни ўнг сийнанинг икки бармоқ ости, “сирр”нинг ўрни чап сийнанинг икки бармоқ юқориси, “хафий”нинг ўрни ўнг сийнанинг икки бармоқ устида, “ахфо”ники эса кўкснинг (кўкрак) ўртасидадир. Латифаи нафс – икки кўзнинг ўртасида жойлашган бўлиб, риёзат давомида “латоиф” турли шакл, ранг, ҳолатларга ўзгарган. Ҳар бир шакл, ҳар бир рангда маълум маъно яширинган бўлади. Нуқта, доғ ва доира мурид руҳий ҳолатлари (ранглар – З.И.) ўзгаришида муҳим хизмат қилади. Доира – фалак доираларининг айланиши, доғ – дунё тимсоли ва нуқта – ваҳдатдир. Доира

⁴ Аҳмад Кашмирий. Нажмиддин Кубро олтин ҳалқасининг мухтасар тафсилоти. Шажарайи табақоти машойих. ЎзР ФАШИ инв. № 1426. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний таржимаси / Шайх Нажмиддин Кубро. Мақолалар. – Т.: Ёзувчи, 1995. 76-бет.

⁵ Суқр – Аллоҳ васлидан сарҳушлик, шавқ ва муҳаббатнинг жўшиши, илоҳий жазабага тушиш, сарҳуш ва сармаст бўлиб, ҳамма нарсани унутиш ва «мен»ликдан йироқлаш, «султоний ҳол»нинг энг юксак камолга эришуви ҳолати / Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини (Монография). – Т.: Абу матбуот консалт, 2011. 190-бет.

⁶ Сахв – ҳ.шёрлик. ҳамма нарсага ақл нигоҳи билан қараш, ўзликдан айрилмаслик, барча нарсага фано кўзи билан боқиш / Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини (Монография). – Т.: Абу матбуот консалт, 2011. 191-бет.

⁷ Шайх Нажмиддин Кубро. Фавотих ул-жамол / Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: Иброҳим Ҳаққул, Азиза Бектош. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004. 4-бет.

⁸ Пять философских трактатов на тему Афак и анфус. Крит. текст. указатели и введ. А.Е.Бертельса. – М.: Наука, 1970. 511-бет.

⁹ Шайх Нажмиддин Кубро / Мақолалар. Масъул муҳаррир: Эркин Юсупов. – Т.: Ёзувчи, 1995. 27-бет.

доимий айланишда, у доғни ҳам ўз ичига олади. Аммо булар марказга томон, яъни, Нуқта сари интилади. Нуқта моҳиятини англаш орқали Аллоҳ олами идрок этилади. Мурид руҳи ҳаяжон ва ҳайрат оралиғида турли рангларга дучор бўлади. Доира, доғ ва нуқта айланиши ва алмашилиши ранглар алмашинувини қамраб олади: руҳнинг ҳислар босқичидаги таракқиёти қора рангда бўлса, кейин қизғиш рангда кечади. Сўнгра яшил ранг кўриниб, илоҳий оламнинг яқинлигидан далолат беради.

Ранглар сўфий руҳий ҳолатлари, Аллоҳ томон сафаридаги даража-мақомини кўрсатади. Рангларнинг хилма-хиллиги ва алмашилиб туриши солиқнинг аҳволи, қалбий-шуурий кечинмаларининг давом этаётганини ифодалаб, “талаввун”, яъни ботиний-тафаккурий кечинма-ўйларнинг турли-туманлигини англатади¹⁰.

Руҳнинг рангдан-рангга кўчиши солиқ маънавий-руҳий камолотидан нишона бўлиб, бу жараён ниҳоясида рангсизлик, яъни “тамкин”¹¹ ҳолати рўй беради. “Тамкин” ҳолатига кирган сўфий “талаввун” (ранг-баранглик – З.И.)дан қутулиб, ваҳдат оламига қўшилган бўлади¹².

Зангори ранг солиқнинг тавба қилиб, тариқатга қадам қўйганида кўринади. Бу ҳолатда у шарият доирасида бўлади, мантиқий-далилий билишдан ҳали қутулмаган, ҳали кўнглида дунёвий ҳаваслар майли ҳукмрондир. Бундан кейин тариқат бошланади. Солиқ қалбида муҳаббат кўзгалади, у Аллоҳ ёди билан яшайди. Бу сариқ рангга тўғри келади. Қизил ранг солиқнинг руҳи вужуддан ажрала бошлагани, маърифатга яқинлашгани, маънавий моҳиятлар оламини англаганини ифодаласа, оқ ранг қалб покланишига ишорадир ва шу ондан ҳақиқатни англаш бошланади. Ҳақиқат оламидан хабардор бўлиб, тавҳид ҳолатини бошидан кечиради¹³.

“Яшил ранг “қалб ҳаёти ва жонлилиги”нинг рамзидир. Бу рангдан сўнг ақиқ тошнинг ранги пайдо бўлади. Бу “Ақли кабир”нинг ранги. “Ақли кабир” қирмизлашгач, энг қалин китоблар ҳам йиртилади. Қирмизи ранг зуҳурланганда “сайёрни паришон айлаб, парчалайди, вужудни қамраб олади ва тебратади”¹⁴, яъни яшил ранг солиқнинг тавба қилиб, тариқатга қадам қўйганида кўринса, сариқ ранг солиқ қалбида муҳаббатнинг пайдо бўлиши ва Аллоҳ ёди билан яшашини билдирган. Қизил ранг солиқнинг руҳи вужуддан ажралиб, маърифатга яқинлашгани ва маънавий моҳиятни англашида кўринса, оқ ранг қалб покланишига ишора бўлиб, ҳақиқатни англаш ана шундан бошланган.

Яшил ранг валийликдан нишона бўлиб, “сирр ул-асрор”, яъни ғайбга ошноликни билдирган ва солиқнинг асл моҳиятга етганини англатган.

¹⁰ Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини (Монография). – Т.: Абу матбуот консалт, 2011. 120-бет.

¹¹ Тамкин – оғирлик, чидам, ҳайбат, савлат, бир манзилда қарор топиш, собитлик ва руҳий улуғворликка эришиш. Бесифатлик мартабасидаги валий тамкин аҳлидан бўлиб, барча илоҳий сифатлар билан сифатланган, раббоний хулқлар билан безанган, ботинини тасарруф этган бўлади.

¹² Шайх Нажмиддин Кубро. Мақолалар. Масъул муҳаррир: Эркин Юсупов. – Т.: Ёзувчи, 1995. 22-бет.

¹³ Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини (Монография). – Т.: Абу матбуот консалт, 2011. 121-бет.

¹⁴ Шайх Нажмиддин Кубро. Фавотиҳ ул-жамол / Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: Иброҳим Ҳаққул, Азиза Бектош. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004. 121-бет.

Талвин – хилма-хиллик, ранг-баранглик. Бир ҳолдан бошқа ҳолга ўзгариш, бир рангдан бошқа рангга ўтишдир.

Ранглар солиқнинг Аллоҳ томон ва Аллоҳ билан руҳий сафарини билдирган. Қора ранг Аллоҳдан халқ сари қайта сафарини билдириб, “канз ул-асрор”, яъни сирлар хазинасини эгаллаш, ҳайратга ғарқ бўлишни ифодалайди. Ҳайратдаги руҳ шариатнинг мағзи-ҳикматини бошқатдан идрок этиб, қоронғи бир доғ рангига ўралган. Солиқ руҳи яна Аллоҳ ҳузурида пайдо бўлган. У қора рангдан қутулиб, рангсизлик ҳолатига кирган. “Зоти кулл” даражасини эгаллаган солиқ бир хиллик ҳолатида мақсадига эришган, яъни маънавий камолотнинг олий даражасини эгаллаган орифда бир ранглилик ҳолати пайдо бўлган.

Инсон танасининг кўкрак қафасида жойлашган беш жойи – қалб (чап сийна ости – З.И.), руҳ (ўнг сийна ости – З.И.), сир (чап сийна усти – З.И.), хафий (ўнг сийна усти – З.И.), ахфо (чап ва ўнг сийна устининг ўртасидаги нафас йўли – З.И.)га хуфиёна зикр айтилган. Уларнинг ўз ранги бўлиб, қалб – сариқ, руҳ – қирмизи, сир – оқ, хафий – қора, ахфо – яшил рангдадир.

Ҳар бир ранг тасаввуфий рамзга эга бўлиб, инсоннинг ҳақ йўл сари интилиши мақомини англатган. Шайх Нажмиддин Кубро етти ранг хислатини етти тасаввуфий истилоҳга мослаб, солиқнинг ирфон йўлида эгаллаган мартабасини изоҳлаган: оқ ранг – “ислом” (покланиш, муриднинг поклик, масъумлик ва тўғрилиқни қўлга киритгандагина “тариқат” йўлига кириши – З.И.)ни, сариқ ранг – “иймон” (иймон, Аллоҳга бўлган кучли муҳаббат, ҳаётнинг Аллоҳ номи билан бошланиши рамзидир – З.И.)ни, зангори ранг – илоҳий марҳамат (эҳсон, саховат, ўзига янги ҳаёт бағишлаш, инсоннинг ўзи ҳақида тафаккур қилиши, гуноҳлардан покланиши, ўзига яхшилик инъом этиши, оддий ҳаёт тарзидан тариқат – маънавий такомилга қадам қўйишидир – З.И.)ни,– яшил ранг “итминон” (ишонч, “тавба” мақомидан сўнг, “иймон” йўлига кириш ибтидоси бўлиб, ёмон фикрлар ва ёмон амаллар – “ҳаром”дан қутилиш ҳолати, Аллоҳ томонидан ман этилган амаллардан тийилиш ва солиҳ амаллар – “ҳалол”га ўтиш рамзидир – З.И.)ни,– мовий ранг “ийқон” (хотиржамлик, ҳақиқий ишонч, мурид қалбининг Аллоҳга ҳақиқий иймон билан тўлиқ вақтидаги ҳолати – З.И.)ни, қизил ранг – “ирфон” (англаш, руҳнинг жисмдан ажралиб чиқиши, руҳ тарбияти, руҳият оламини идрок этиш рамзидир – З.И.)ни, қора ранг – “ҳайрат” (руҳнинг илоҳий оламнинг остонасигача яқинлашиши, Аллоҳни англаш, илоҳий оламдан завқланиш ва ҳайратланиш, илоҳий ишқ рамзи – З.И.)ни англатган. Руҳнинг маънавий юксалиши, камолотга қўтарилиши ранглар орқали теран акс этганки, тубанликдан юксакликка қўтарилишда даставвал қора ранг бўлиб, йўл масофасида қизғишга айланиб, васл пайтида яшил тусга кирган.

Рангсизлик ҳақиқат демакдир. Рангсизлик Аллоҳ ва унинг ҳақиқатини англашни билдиради. Мурид аста-секинлик билан рангларга асосланган руҳий кечинмаларни босиб ўтиб, ички туйғуларини тобора сайқаллаб боради. “Латоиф” назарияси бўйича, мурид қора ранг тасарруфидан чиқиб, мақсад-“ҳақиқат”га етади Яъни, илоҳий олам билан бирлашиб кетади.

Қаландарлик тариқати сўфийлари турли рангдаги мато парчаларидан тикилган муракқа (иссиқда авраси, совуқда астари билан кийиладиган ямоқ чопон – З.И.) кийишган. Бу солиқдаги руҳий кечинмаларнинг турлича ва ранг-баранглигини англаган.

Тариқатга янги кирганлар қора хирқа¹⁵ кийишган. Қора хирқа ёпинган сўфий ўз қалби ва вужудини тўла-тўқис Оллоҳда тасаввур этмоғи лозим бўлган¹⁶. Қора ранг – нафси мутмаина (тинган, яхшиликка бош этган нафс)нинг ранги бўлиб, у Оллоҳнинг изни ва руҳнинг нури ила нурланган, ёмон нарсаларни тарк айлаб, гўзал ахлоққа тобе нафсдир. Унинг сифатлари: ибодат, риёзат, қилъати таом (кам овқатланиш), таваккул, тафаккур ва аъмоли хайр¹⁷.

Мурид тарбиясига боғланган солиқлар мовий ранг, сулукни охирига етказган солиқлар оқ рангли хирқа кийишган.

Мушоҳада (кўриш, томоша қилиш, шоҳидлик, Аллоҳнинг бирлиги ва борлигига тўлиқ ишонч – З.И.) илоҳий тажаллий ибтидоси, Ҳақдан етадиган ирфон нуридир. Мушоҳада аввал сураат (абстракт нарсаларнинг ташқи кўриниши – З.И.), шакл (конкрет нарсаларнинг ташқи кўриниши – З.И.) ва хаёллар билан юзага келади. Мушоҳада ҳолатида валийнинг қалб пардаси кўтарилиб, басират кўзи (қалб кўзи – З.И.) очилган, яъни киши кўзи билан мушоҳада этганини нафси орқали ҳис этади. Яшил ранг қалбда ҳузур, кўнгилда фараҳ, ботиний гўзаллик руҳда лаззат ва кўзда равшанликни мушоҳада этган.

Мужоҳада нафсни маҳв этишга қатъий интилиш, ҳар қандай машаққатни ўзига раво кўриш, шиддатли руҳий изтироблардан кейин валийнинг ўз нафси устидан ғалабасидир. Мужоҳада орқали Ҳақ йўлчиларининг муҳаббати яна бир бор синовдан ўтган ва Аллоҳга итоат (таслим – З.И.) этган. Мужоҳада орқали уч ҳолат амалга ошган. Таом – вужуд, нафс ва шайтоннинг қувват манбаи экан, уни аста-секинлик билан вужудни очликка кўниктириб, ейиш-ичишни камайтириш, истак, ирода ва ихтиёрни тарк этиш, қалбни Аллоҳга таслим этиш. Мужоҳада чоғида валийларда ажиб ҳолатлар юз берган. Масалан, нафс зуҳур этганида вужуд (аура – З.И.) кўк рангда бўлган бўлса, мужоҳада орқали покланган вужуд оқ тусга кирган. Валийлар нафс қурбони бўлган кишиларнинг вужуди қирмизи рангда, фисқ-фужур, гуноҳлар билан тўлган вужуд қора рангда бўлишини эътироф этганлар.

Шайх Нажмиддин Кубронинг ранг ва шакллар ҳақидаги қарашлари кейинги сўфийлар томонидан ривожлантирилган. Ранглар тартиби ўзгарган бўлса-да, айнан қора ранг хайрат белгиси, ҳисобланиб, инсон руҳининг фанога ғарқ бўлиши ҳолатининг рамзи сифатида кўрсатилган¹⁸.

¹⁵ Хирқа – шайх ва дарвишларнинг махсус устки кийими.

¹⁶ Курбанмамадов А. Эстетическая доктрина суфизма, Душанбе, 1987. 42-43-бетлар.

¹⁷ Хулусий Х. Мезон ун-нуфус. Истанбул, 2018. 33-бет.

¹⁸ Бу ҳақда яна қаранг: Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини (Монография). – Т.: Абу матбуот консалт, 2011. 121-бет.

Қарийб етти юз йилдан сўнг Оврўпада инсон ҳислари, ақлидан ташқари яна бир куч борлиги ҳамда у одамнинг беҳудлиги даврида илҳом билан қўлга киритилиши мумкинлиги ҳақидаги назариялар илгари сурилди ва янги билимларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. XIX аср охири XX аср бошларида фалсафа тарихида инсон, унинг моҳияти, ҳаётнинг мазмуни, инсоннинг руҳий ҳолатлари каби муаммолар А.Шопенгауэр (ваф. 1860 й.), Ф.Брэдли (ваф. 1924 й.), К.Ясперс (ваф. 1969 й.), З.Фрейд (ваф. 1939 й.)лар томонидан кенг тадқиқ этилган ва янги назариялар ишлаб чиқилган.

Шарқ мамлакатлари тарихи, маданияти, адабиётини чуқур ўрганган олмон шоири ва санъатшунос олими И.В.Гёте (ваф. 1832 й.) рангларнинг инсон организмга кўрсатадиган таъсири ҳақида “Ранглар ҳақида таълимот” номли китоб ёзган¹⁹. Гёте илиқ ранглар кишида кайфичоғлик, совуқ ранглар эса маъюслик туйғусини уйғотиши, узоқ вақт давомида рангли шишаларга тикилиш оқибатида инсонда тушкун кайфият кўтарилишини тажрибада синаб кўрган.

Ранглар инсоннинг руҳияти, кайфияти ва ҳаттоки соғлиғига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Инсон саломатлигини мустаҳкамлашда ранглар жиддий аҳамиятга эгадир. Жумладан, қизил ранг кучли эътибор тортадиган, севги ва ғазаб каби ҳиссиётлар билан боғлиқ ранг бўлиб, хавф-хатар, мардлик-жасорат, куч-қудрат, фаровонлик тимсолидир. Қизил ранг инсон асаб тизимига кучли таъсир кўрсатиб, ижодкорликка ундайди. Яшил ранг ўсиш ва саломатлик, тетиклик, мустаҳкамлик ифодасидир. Яшил ранг руҳиятни тинчлантиради. Ҳаво ранг ва зангори ранг тана ҳароратини пасайтириш, қон босимини меъёрга келтириш, оғриқни сусайтириш хусусиятига эга бўлса, мовий ранг денгиз ва осмон рамзи бўлиб, бу рангдаги буюмларни ёқтирадиган кишиларда ишонч, осойишталик, садоқат ва масъулият ҳисси кучли бўлади. Бинафша ранг нафосат, салобат ва ҳашамат ифодасидир. Бинафша ранг инсон руҳиятини кўтариб, илоҳий ҳиссиётларга мойиллик уйғотади. Кул ранг мураса ва келишув ранги бўлиб, стресс ва депрессиянинг олдини олади, бошқаларга нисбатан хайрихоҳлик туйғусини пайдо қилади.

Оқ ранг поклик, софлик ва мукамаллик ранги бўлса, сариқ ранг ишчанлик ва ҳаётга қизиқувчанлик фаолиятини оширувчи, ёруғлик, муваффақият, ишонч кайфиятини бағишлайди. Сарик ранг миянинг чап томонини огоҳлантириб, аниқ фикрлашга ва тез қарор қабул қилишга ундайди. Сарик ранг хуш кайфият, шод-хуррамлик ва фаол ҳаётий жўшқинлик уйғотади, чарчоқни ёзади. Иш столи ёки ошхонада сариқ рангли буюм бўлса, унга кўзи тушган инсоннинг кайфияти кўтарилади. Сарик рангни бошқа ранглар билан адаштириб бўлмайди. Эътироф этиш ўринлики, диққатни жалб этиши ва кўзга ташланиши лозим бўлган буюмлар – болалар ўйинчоқлари, такси, тўсиқлар ва огоҳлантириш белгилари сариқ рангда бўлади.

¹⁹ Иоганн Гёте. Учении о цвете. 13-стр.

Шунингдек, инсон руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи, асаб тизимини зўриқтирувчи, тушкунликка туширувчи, ёмон хотираларни уйғотувчи хусусиятга эга ранглар ҳам мавжуд. Тўқ кўк ранг диққатни пасайтириб, ишчанлик қобилиятини сустлаштиради. Жигар ранг ўта “зерикарли ранг” ҳисобланади. Қора ранг мотам ва йўлдаги тўсиқлар ранги бўлиб, доим қора рангли буюмлардан фойдаланиш умидсизликни юзага келтириб, чарчок ҳиссини оширади.

Рангларнинг инсон танаси ва руҳиятига таъсири тиббий муолажаларда халқона усуллар орқали қўлланилган ва бу ҳозирга қадар аҳамиятини йўқотмаган. Жумладан, сариқ касали билан оғриган беморга сариқ либос кийдирилган. Сариқ ранг ошқозон яраси, ўн икки бармоқ ичак яраси, ўт пуфаги, қон-томир касалликлари, варикоз, асаб ва мия зўриқишида жуда яхши ёрдам беради. Сариқ рангли мева-сабзавотлар дангасаликни енгади.

Сариқ ранг иштаҳани очиб, ошқозон-ичак фаолиятини яхшилаши, оғриқларни олиши, инсоннинг иш қобилияти ошириши, диққат жамланишини кучайтириши, кайфиятни кўтариши ва хотирани мустаҳкамлаши, ақлни чархлаши, асаб тизимини тинчлантириши эътиборга олиниб, болаларнинг ўйинчоқлари ва ўқув қуроллари кўпроқ сариқ рангда ишлаб чиқарилади.

Қизил ранг тери касалликлари, юқумли касалликлар (қизамиқ, қизилча), камқонлик, паст қон босимида, уйқусизликдан азият чекканда фойдалидир. Қизил рангдаги футболка ёки кўйлак кийиб ухлаган киши уйқудан руҳан ва жисмонан тетик туради, кайфияти ҳам кўтаринки бўлади. Қизил ранг ички қувватни оширади, моддалар алмашинуви ва қон айланишини яхшилайдди. Қизил рангдаги мева-сабзавотлар кайфиятни кўтаради.

Тўқ сариқ ранг руҳан толиққанда, сиқилганда, кайфиятсизликда, юқори қон босимида ёрдам беради. Чарчокни йўқотади, кўрқув ва ташвишни енгади. Тўқ сариқ рангдаги мева-сабзавотлар қувноқликни оширади.

Яшил ранг юрак уришини яхшилайдди, кўзга дам беради, кўз касалликлари: глаукома, юқори қон босимида, буйрак касалликларида яхши ёрдам беради. Аллергияга қарши фаол курашб, асаб тинчланишига кўмак беради, кўз ва қон босимини туширади, юрак касалликларида ёрдам беради.

Мовий ранг астма, бўқоққа чалинган, кўп шамоллайдиган, ортиқча семиз кишиларга фойдали. Уйқудан тургач, очик ҳавода бадантарбия қилиш ва осмонга тўйиб-тўйиб қараш инсон руҳини тинчлантиради, иммунитетини кўтаради, тана ва руҳга бардамлик беради. Руҳий зўриққан, ақлий меҳнатдан чарчаганда мовий ранг асабларни бўшаштириб, кайфиятга хушнудлик бағишлайди.

Кўк ранг уйқусизликда, йўтал, гайморит, томоқ касалликларида ёрдам беради. Тўқ кўк рангдаги мева-сабзавотлар тушкунликни енгишга ёрдам беради.

Бинафша ранг интуиция (ички сезиш қуввати)ни кучайтиради, бошқалар кўра олмаган, англамаган ижтимоий ҳодисаларини теран англайдди, бошқаларга руҳий кўтаринкилик бахш этади.

Бугунги тезкор технология даврида инсон барча ишларни техника ёрдамида амалга оширмоқда. Натижада умумбашарий муаммолар сафига яна бир муаммо – оммавий семириш ҳам қўшилди. Инсон ҳамisha сарвқомат бўлишга интилади. Ранглар ёрдамида бу муаммони ҳал этиш мумкин, яъни ошхона ранги озишга ёрдам беради. Ошхона қизил, тўқ сариқ ва сариқ рангда бўлса, ошхона рангини яшил ва мовий ранг ва унга яқин рангларга ўзгартириш лозим. Негаки, қизил, тўқ сариқ ва сариқ ранглар иштаҳани очса, яшил ва мовий ранглар ошқозонни тинчлантиради. Семиришга мойил кишилар иштаҳани очадиган қизил, тўқ сариқ ва сариқ ранглардан узоқ юриши лозим. Мовий ранг билан боғлиқ озиқ-овқат маҳсулотлари кам учрайди. Шунинг учун мовий ранг иштаҳани бўғади.

Инсоннинг кўпроқ қайси рангни танлашига қараб унинг руҳияти ҳақида билиш мумкин. Инсон ички олами хилма-хил ва ранг-баранг таассуротлар билан ўралган. Инсон ана шу таассуротлар оламидаги ранг-баранглиқдан ўз қалбини ифодаловчи, онг-шуурида куртак туккан, барг ёзган фикрлар уруғини ёритувчи кечинмаларни тўғри йўналтира олиши муҳимдирки, бу инсоннинг ўзлигини намоён этади, ўзининг кимлиги, нималарга қодирлиги, қандай салоҳият эгаси эканини кўрсатади. Кўнгли “кирланган” одамнинг туйғулари нурсиз ҳолатда бўлади.

Инсон ранглардан маънавий, руҳий озуқа олади. Ўзига маъқул келган рангдаги нарсани ишлатади. Руҳига мос ранглардан хурсанд, руҳи тетик бўлади, кувонади. Ранглар олами инсонни беқиёс фалсафий мушоҳадага чорлайверади.